

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АРАБОВ ЖАМОЛИДДИН САДРИДДИНОВИЧ

ЙИГИРИШДА СИНТЕТИК ТОЛАЛАРНИ ЭМУЛЬСИЯЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Арабов Жамолиддин Садриддинович

Йигиришда синтетик толаларни эмульсиялаш технологиясини такомиллаштириш 3

Арабов Жамолиддин Садриддинович

Совершенствование технологии эмульсирования синтетических волокон в
прядении..... 21

Arabov Jamoliddin Sadriddinovich

Improving the technology of emulsifying synthetic fibers in spinning 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АРАБОВ ЖАМОЛИДДИН САДРИДДИНОВИЧ

ЙИГИРИШДА СИНТЕТИК ТОЛАЛАРНИ ЭМУЛЬСИЯЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/2399 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғафуров Қобил

техника фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна

техника фанлари доктори, профессор

Йўлдошев Жамшид Қамбаралиевич

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий тоғлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (152 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «10» ноябрдаги №152 рақамли реестр баённомаси).



Х.Х.Камилова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш-илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ассортиментининг турлари кенгайиб, етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда¹. Жаҳон бозорида синтетик аралаш ип ва ип буюмларга рақобатнинг юқори даражадалиги, замонавий такомиллашган технологиялар, аралаш иплардан олинadиган маҳсулот турларининг сифати ва миқдор жиҳатидан тез ўзгартириш имконини берадиган ускуналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Ривожланган чет эл мамлакатларида, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой каби давлатларда сифати ва физик-механик хоссалари юқори бўлган синтетик толалар аралаш ип ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда синтетик толалардан аралаш ип ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, замонавий такомиллашган технологик машиналарнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан йигиришда синтетик эмульсиялаб, сифатли ип олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу борада синтетик толаларни статик зарядланишини бартараф этиш ва сифатли ип олишдаги технологик жараёнларида юқори самарадорликни таъминлайдиган янги усуллари яратиш, синтетик толаларни эмульсиялаб, статик зарядланишини бартараф этиш билан сифатли ип олиш, технологик барқарорликни таъминлаш ва уни амалга оширувчи қурилмани яратиш ҳамда унинг ишчи параметрларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур иплар туркумига кирувчи синтетик толаларидан аралаш ип ишлаб чиқариш учун замонавий, серунум техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Аралаш ип олишда технологик жараёнларнинг самарадорлигини оширадиган юқори самарадор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улишини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»² каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда,

¹ <https://fayllar.org/jahonda-toqimachilik-va-yengil-sanoat-mahsulotlari-assortiment.html>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

жумладан, аралаш иплардан олинадиган матоларнинг сифатини ошириш, уларни қайта ишлашда узилишлар сонини камайтириш, исттеъмол хусусиятлари яхшиланган янги ассортиментларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»³ ги фармони, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ресурстежам-корлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация ишида эмульсиялашнинг анъанавий усулидан фарқли ўлароқ синтетик толаларни кутбланган электр майдонида зарядлаб, кейин уни эмульсиялаш қабул қилинган. Мазкур йўналишда электр майдонида ишлов бериш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда С.А.Голайдо, Н.И.Зубарева, И.И.Галиуллина, В.В.Ченцовлар шуғулланишган. Ўзбекистонда т.ф.д. М.Исмаилов, т.ф.д. А.Юсубалиев, т.ф.д. А.Муҳаммадиев, т.ф.н. А.Денмухаммедов ва т.ф.н. Т.Байзаков ва бошқалар томонидан бажарилган. Россиялик олим П.Д.Балясов толаларни эмульсиялашда электр майдонидан фойдаланишни илк бор таклиф этганлиги маълум.

Шунга асосланиб, синтетик толаларни кутбланган майдонда зарядлаб, кейин эмульсиялаш учун янги қурилма яратилди. Қурилмадан фойдаланиб, синтетик толаларни эмульсиялашни такомиллаштириш ва ундан аралаш ип олиш муаммосини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ушбу диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасини илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Давлат илмий-техника дастури бўйича А-6-018 «Модификацияланган полиакрилонитрил (ПАН) толали нитроннинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5989-сон Фармони.

пахта билан аралашмасидан тайёр мато олиш технологиясини ишлаб чиқиш» тадқиқот мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади йиғиришда синтетик толаларни эмульсиялашни такомиллаштириш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синтетик толаларни қайта ишлашда эмульсиялаш усуллари ва воситалари, ундан аралаш ип олиш технологияси муаммолари ва истиқболларига бағишланган илмий манбаларни таҳлил қилиш;

толани қутбланган майдондан ўтказиб, сиртини тўла қоплашни назарий тадқиқ этиш;

қутбланган майдонда зарядланган эмульсия заррачасининг ҳаракатини ўрганиш ва тенгламасини таҳлил этиш;

қутбланган майдонда зарядланган заррачага таъсир қилувчи пондеромотор куч билан унга таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш;

синтетик толаларни қутбланган майдонда зарядлаб эмульсиялаш қурилмасини яратиш;

қутбланган майдонда синтетик толани зарядлаб, олинадиган аралаш ип физик-механик хосса кўрсаткичларининг эмульсиялаш қурилмаси параметрларига боғлиқлигини тадқиқ этиш;

қутбланган майдондан ўтказилган синтетик толанинг таркибий тузилишини аниқлаш;

қутбланган майдонда синтетик толани зарядлаб эмульсиялаш қурилмасининг ишчи параметрларини оптималлаш;

такомиллашган усулда эмульсияланган толалардан ишлаб чиқариш шароитида аралаш ип олиш ва натижаларни жорий этиш;

тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эмульсиялаш қурилмалари, синтетик тола, қутбланган майдон, аралаш ип олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида синтетик толани қутбланган майдонда эмульсиялаш, тола сиртини эмульсия билан тўла қоплаш, эмульсия заррачаси ҳаракати, пондеромотор куч, аралаш ип хоссалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида аралаш ип сифатини баҳолашда замонавий ўлчаш, баҳолаш, солиштириш усуллари, тадқиқот натижаларини математик ва статистик ишлов бериш бўйича таҳлил этиш ва қайта ишлаш, эмульсия заррачаси ҳаракати натижасини баҳолашда электрон микроскопдан, ипнинг нотекислик хоссаларини ўрганишда ип механикаси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

синтетик толаларни эмульсиялашда қутбланган майдондан фойдаланиб, статик зарядланишнинг олдини олиш исботланган ҳамда қутбланган майдонда эмульсиялаш қурилмасининг янги конструкцияси яратилган;

қутбланган майдонда тола цилиндрик жисм деб қаралиб, эмульсия заррачасининг тола сиртига етиб келгунча таъсир этувчи омиллар -эмульсия заррачанинг массаси, зарядларнинг электростатик таъсир кучи, заррачанинг ҳаракат тезлиги ва оғирлик кучи ҳисобга олиниб, заррачанинг фазодаги ҳаракати тенгламалари ишлаб чиқилган;

қутбланган майдонда зарядланган заррачага таъсир қилувчи пондеромотор куч, синтетик тола ҳажми, унинг диаметри, майдон кучланганлиги тажрибавий усулда аниқланган ҳамда уларни боғланишлари ишлаб чиқилган;

синтетик толани қутбланган майдонда зарядлаб эмульсиялаш натижасида олинадиган аралаш ип хосса кўрсаткичларини қутбланган майдон кучланиши, майдон электродлари орасидаги масофа ҳамда эмульсия концентратига боғлиқлиги аниқланган ва қурилма ишини муқобиллаштириш асосида аралаш ипнинг энг яхши физик-механик хоссаларини таъминловчи қийматлар майдон кучланиши 100в, электродлар орасидаги масофа 100мм ва эмульсия концентрати 10 % лиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аралаш ип олишда синтетик толаларни эмульсиялаш технологияси такомиллаштирилиб, маҳсулот хосса кўрсаткичларидан узиш кучи катталашган, узиш кучи бўйича вариация коэффиценти пасайган ва ресурстежамкор машина ишлаб чиқилган;

синтетик толаларни эмульсиялаш қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

такомиллашган қурилмада эмульсияланган полиэфир толасидан корхона шароитида аралаш ип олинган ва унинг физик-механик хосса кўрсаткичлари меъёрий талаблардан устунлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлилига кўра асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аралаш ип олиш учун синтетик толани қутбланган майдонда зарядлаб эмульсиялаш туфайли статик зарядланишни бартараф этиш натижасида технологик жараёнлар барқарорлиги таъминланиб, узилишлар кескин камайтирилган ва натижада аралаш ип хосса кўрсаткичларининг яхшиланишига эришилганлиги,

қутбланган майдонда синтетик толалар сирти нафақат тўла қопланмай уларнинг таркиби, яъни кристалл ва аморф қисмлари улушлари ўзгариши натижасида аралаш ипнинг деформацион хоссалари ўзгариши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эмульсиялаш қурилмасини такомиллаштириб, қутбланган майдондан фойдаланиб, толалар сиртини эмульсия билан тўла қопланишига эришилганлиги натижасида толаларнинг аралашуши яхшиланганлиги туфайли ип хоссалари бўйича нотекислик кўрсаткичларининг пасайганлиги, яъни ип сифати яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қутбланган майдонда зарядланиб эмульсияланган синтетик толадан ишлаб чиқариш шароитида аралаш ип олиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари асосида:

синтетик толаларни эмульсиялаш қурилмасининг янги конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти (FAP 01795, «Синтетик толаларни эмульсиялаш қурилмаси» 2022 й) олинган. Ундан фойдаланиб, синтетик толаларни янги усулда эмульсиялашга имконият яратилган. Синтетик толаларни эмульсиялаш усули “ADM TEKSTILE” ХК ва МЧЖ “OSBORN TEXTILE” ХК шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 12 сентябр № 03/25-2645-сонли маълумотномаси). Натижада аралаш ипнинг солиштирма узиш кучи юқори бўлишига, унинг узиш кучи бўйича нотекислиги пасайишига, ташқи кўриниш нуқсонлари эса камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 12 та, жумладан, 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг


илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тўқимачилик саноатининг тараққиёти ва ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тўқимачилик саноати тараққиёти ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, синтетик толали аралаш ип ишлаб чиқаришда эмульсиялаш техника ва технологияси тараққиёти, эмульсиялаш усуллари, синтетик толалардан пахта толасини йиғириш технологиясида аралаш ип олиш ва хоссаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини бозор талаблари асосида кенгайтириш, сифатини эса талабга мослаб яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотлар ассортиментини тўқимачилик хомашёси кўшимча ҳажмлар импортини ҳисобга олиб кенгайтириш режалаштирилган. Бошқача айтганда хомашё ресурсини синтетик толалар импорти ҳисобига кенгайтириш вазифаси қўйилган. Маҳсулот жаҳон бозори талабларига қараб, тез ўзгарувчанлик асосида мосланувчанликни таъминлаб, бозорда ўз ўрнини мустақам эгаллаши лозим. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот – ип ва ип маҳсулотлари ҳар томонлама ҳаридоргир, рақобатбардош бўлмоғи керак. Мазкур вазифани ҳал қилишда синтетик толаларнинг ўрни катта бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Синтетик толаларнинг афзалликлари қаторида камчиликлари ҳам ишлаб чиқаришда, албатта, намоён бўлади. Аралаш иплар ишлаб чиқаришда кўпинча учрайдиган камчилик синтетик толаларнинг статик зарядланиши ҳисобланади. Шунга қарамай синтетик толаларнинг афзалликлари камчиликларига қараганда устунлик қилади. Шунини инобатга олиб, синтетик толаларга ва уларни қайта ишлашга бағишланган тадқиқотлар ва маълумотлар ўрганилди.

Қўлланилган усулларда асосан глицерин ва бошқа ёнувчи моддалардан фойдаланилган бўлиб, уларнинг камчилиги ёнғин ҳавфи катта. Синтетик толалардан аралаш иплар олишда статик зарядланишни бартараф этиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилмаган. Демак, аралаш ипнинг хосса кўрсаткичларини яхшилаш ва жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунини инобатга олиб, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларда ишлатиладиган аралаш иплар тайёрлаш учун синтетик толалар сиртини эмульсия билан тўла қоплашни таъминловчи технологияни ишлаб чиқиш талаб қилинади.


Диссертациянинг **“Синтетик толаларни қутбланган майдонда эмульсиялаш қурилмасини яратиш ва унинг тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобидаги ишлар толани қутбланган майдонда эмульсиялаш янги ускунасида бажарилган (1-расм).



1-расм. Толали материални эмульсиялаш қурилмаси

1-бункер, 2-таъминлагич барабан, 3-қия нов, 4-конвейер, 5-таянч, 6-калорифер, 7-форсунка, 8-диэлектрик таянчлар, 9-потенциал электрод, 10- ерга уланган электрод


Қутбланган майдонда зарядланиб чиққан толага форсунка ёрдамида манфий зарядланган эмульсия сепилади. Эмульсияланган толалар тутами калорифер таъсирида қуритилиб, ишлаб чиқариш жараёнига юборилади. Эмульсиялаш жараёнининг физикасини тушуниш учун тола цилиндр шаклида деб қаралди ва толанинг қўндаланг кесими ҳамда унинг бўйламасига эмульсия заррачаларининг тушиши ўрганилди.



2-расм. Нанозаррачанинг зарядланган тола элементи сирти билан ўзаро таъсири схемаси

А нуқтадан чиққан эмульсия заррачаси тола сиртигача K_0 дан K гача ўзгарадиган турлича масофани босиб ўтиши мумкинлиги 2-расмда яққол кўрсатилган.

Сепилган эмульсия заррачаси ҳавода ҳаракатланиб, тола сиртига турли бурчак остида келиб тушади. Фазонинг А нуқтасидаги заррачанинг ҳаракати турли кучлар таъсирида содир бўлишини кўрсатувчи эмульсия заррачаси ҳаракатининг тегишли тенгламалари олинди.



3- расм. Тола сиртига эмульсия сепилганда таъсир этувчи кучлар ҳолати схемаси

$$\left. \begin{aligned} m_1 \ddot{x} &= \left(\frac{q_1 \cdot q_2}{4\pi \cdot \varepsilon_0 \cdot \rho^2} \right) \cdot \dot{x} + \frac{q_1 \cdot q_2}{2\pi \cdot r \cdot \varepsilon_0 \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}} \\ m_1 \ddot{y} &= -6 \cdot \pi \cdot \eta \cdot r_2 \cdot (\dot{y} + \vartheta_1) + \frac{q_1 \cdot q_2}{2\pi \cdot r \cdot \varepsilon_0 \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}} \\ m_1 \ddot{z} &= \frac{q_1 \cdot q_2}{2\pi \cdot r \cdot \varepsilon_0 \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}} \end{aligned} \right\}$$

Толага сепилаётган эмульсия заррачаларининг таъсир кучлари куйидагича аниқланади.

Тенгламалар ечилиб, эмульсия заррачасининг фазодаги ҳаракати X ва Z ўқлари бўйича эгри чизик бўйлаб, Y ўқи бўйлаб эса тўғри чизик бўйлаб ўзгариши аниқланди.

Назарий таҳлиллар давом эттирилиб, эмульсия заррачасига пондеромотор куч таъсир этиши ўрганилди.

Тола диаметри ошганда ҳам, пондеромотор куч эгри чизик бўйлаб ошиши, қутбланган майдон кучланганлиги ошиши билан ҳам пондеромотор куч ортиши аниқланди.

Шундай қилиб, қутбланган майдонда синтетик толани зарядлаб эмульсиялашда эмульсия заррачасининг фазода ҳаракатланиб, тола сиртини тўла қоплаши жараёни ва пондеромотор кучга таъсир этувчи омиллар илк бор тадқиқ этилди.

Диссертациянинг “Қутбланган майдонда эмульсияланган толадан аралаш ип ишлаб чиқаришнинг тажрибавий тадқиқоти” деб номланган учинчи боби тадқиқотни ўтказиш методикаси, аралаш ип намуналарини олиш ва улар синовини ўтказишга бағишланади.

Назоратда анъанавий усулда эмульсияланган аралаш ип физик-механик хосса кўрсаткичлари билан қутбланган майдонда зарядлаб эмульсияланган синтетик толалардан олинган аралаш ип намуналарининг қиёсий таҳлили

келтирилган. Шунинг таъкидлаш керакки, такомиллашган усулда олинган ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари назоратдаги ип намуналари кўрсаткичларидан устунлигини аниқлаш мақсадида 1- ва 2-жадвалларда кўрсатилган натижалар қиёсланди. Тажрибавий 80/20 (пахта/нитрон) аралаш ипнинг Uster бўйича нотекислиги (CV) назорат ипига нисбатан 18% га, 60/40 тажриба аралаш ипида эса 12,5% га пастлиги синтетик толани қутбланган майдонда зарядлаб эмульсиялашнинг афзаллиги мавжудлигини кўрсатади.

1-жадвал

Анъанавий усулда эмульсияланган толадан олинган аралаш ип хосса кўрсаткичлари

№	Пахта/нитрон тола улушлари, %	Кўрсаткичлар				
		Ипнинг чизиқий зичлиги T, текс	Uster бўйича нотекислик CV, %	Солиштирама узиш кучи R, cN/teks	Солиштирама узиш кучи бўйича нотекислик CV{R}, %	Узиш узайиши ε, %
1.	80/20	19,85	14,89	11,83	12,81	3,83
2.	70/30	19,80	17,64	9,23	18,3	4,11
3.	60/40	20,16	16,12	10,08	16,21	4,18
4.	50/50	19,62	15,61	10,83	16,61	4,23

2-жадвал

Қутбланган майдонда зарядлаб эмульсияланган нитрон аралаш ипнинг хосса кўрсаткичлари

№	Пахта/нитрон тола улушлари, %	Кўрсаткичлар				
		Ипнинг чизиқий зичлиги T, текс	Uster бўйича нотекислик CV, %	Солиштирама узиш кучи R, cN/teks	Солиштирама узиш кучи бўйича нотекислик CV{R}, %	Узиш узайиши ε, %
1.	80/20	19,6	12,14	15,52	8,55	3,42
2.	70/30	19,6	13,32	14,62	8,68	4,85
3.	60/40	19,6	14,14	13,67	9,60	4,58
4.	50/50	20,2	15,06	12,09	11,21	4,77

Худди шунга ўхшаш 80/20 тажриба аралаш ипнинг узиш кучи назорат ипига нисбатан 24% га, 60/40 тажриба аралаш ипида 26,3% га катта бўлиб, узиш кучи бўйича нотекислиги (CV) тегишлича 34% ва 68% га пастлиги аниқланди. Мазкур афзалликлар, сўзсиз, эмульсиялаш қурилмаси параметрларига боғлиқлиги тадқиқ этилиб, тегишли натижалар олинди (3-жадвал).

Пахта-нитрон аралаш ип хосса кўрсаткичларининг қутбланган заряд майдони кучланишига боғлиқлиги

№	Кучланиш	Чизиқий зичлиги,	Uster бўйича нотекислик.		Солиштирма узилиш кучи, Rkm		Узилишдаги узайиш,		Узиш иши,		Ингичка жой	Йўғон жой	Нелс
	Вольт, V		Текс	U %	CV %	cN/te кс	CV %	%	CV %	N.cm			
1	70	20,3	15	18,8	12,1	8,7	5,2	8,4	2,9	16,6	102	786	280
2	90	19,6	15,2	19,0	11,8	8,4	4,9	6	3,5	13,1	117,5	808	320
3	110	19,6	13,5	17,6	12,8	7,4	5,6	6,2	3,7	13	26,2	470	102
4	130	20,4	13,2	16,8	12,4	8,3	5,6	7	3,6	14,4	27,5	38,6	80


Синтетик тола-нитронни қутбланган майдон кучланишининг тўрт хил (70в, 90в, 110в ва 130в) қийматларида зарядлаб, аралаш ип хосса кўрсаткичларига асосан максимал узиш кучи (12,8сН/текс) кучланишининг 110 вольтлигида олинган ип намунасига тўғри келади. Кўриниб турибдики, кучланиш катталашини билан Uster бўйича нотекислик пасайиб, 13,2 % ни ташкил этади. Шунингдек, зарядловчи электродлар орасидаги масофа тадқиқ этилиб, масофа 80 мм дан 140 мм гача ўзгарганда ипнинг барча хоссалари бир хилда ўзгармаслиги аниқланди. Масофанинг ортиши билан Uster бўйича нотекислик дастлаб 11,6% гача камаяди, сўнгра яна 15,5 гача ошади. Масофа 100 мм дан ошганда ипнинг барча кўрсаткичлари ёмонлашади. Шундай қилиб,мазкур омилнинг ўзгариш интервали 100-110 ммдан ошмаслиги лозимлиги аниқланди.

Қутбланган майдонда зарядланган синтетик толаларни бироз ошиқроқ концентратли эритмада эмульсиялаш мақсадида 8% - 14% ли эмульсиянинг ип хоссаларига таъсири ўрганилди. Шуни таъкидлаш керакки, эмульсиянинг 8% ва 14% ли концентратида тараш жараёни ёмонлашганлиги учун эмульсиянинг 10 % ва 12% ли концентратларида тажрибалар ўтказилиб, ип намуналари олинди.

Қутбланган майдоннинг турли кучланиши таъсирида тола ҳамда ундан олинадиган аралаш ипнинг бир цикли деформацияси оптик релаксометрда аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, қутбланган майдон кучланиши 50 вольтдан 130 вольтгача ўзгарганда тажриба ипининг деформацияси катталашиб бориши аниқланди. Синтетик толани қутбланган майдондан ўтказиб, олинган аралаш ип намуналарининг бир цикли деформацияси ўзгариши оптик релаксометрда аниқланди.

Эмульсияланган толадан олинган аралаш ипнинг бир соатдаги деформацияси эмульсияланмаган толадан олинган ип деформациясидан

каттароқ бўлиб, орадаги фарқ 4,3% ни ташкил этади. Қутбланган майдон кучланиши катталашган сари (75В, 100В, 130В) эмульсияланган ва эмульсияланмаган нитрон толасидан олинган ип деформацияларидаги фарқ тегишлича 9,2%, 14,2% ва 15,4% ни ташкил этади. Мазкур фарқ кучланишга маълум катталиқгача (100В) тўғри чизиқ бўйича ўсиб, кучланиш 130 в га етганида пасайиши аниқланган (4-расм).




4-расм. Эмульсияланган нитрон толалар аралаш ип деформацияси фарқларининг қутбланган майдон кучланишига боғлиқлиги.

Нитрон толаси деформацион хоссаларининг қутбланган майдон таъсирида ўзгаришини яна бир мартта текшириш мақсадида Хитойда ва Самарқандда ишлаб чиқарилган полиэфир толасини такомиллашган қурилмада эмульсиялаб, пахта толаси билан аралаштириб ип олинди ва бир цикли деформацияси қиёсий ўрганилди. Натижада мазкур толалар аралаш ипларнинг бир цикли деформацияси нитрон толасидаги ўзгаришлар, яъни қутбланган майдон таъсирида полиэфир толаси аралаш ип деформацияси ортиши кузатилди. Демак, қутбланган майдонда зарядланган барча синтетик толалар аралаш ип намуналари деформацияси бир хил ўзгаришга эга.

Шундай қилиб, такомиллашган эмульсиялаш қурилмасида қутбланган майдон кучланиши олинадиган аралаш ип деформациясига бевосита таъсир кўрсатиши амалда аниқланди. Кучланиш катталашган сари аралаш ип деформацияси ҳам ошади. Мазкур ўзгариш нитрон толасида каттароқ, полиэфир толасида эса кичикроқлиги амалда исботланди.

Бу ходиса нитрон ва Хитойда ҳамда Самарқандда тайёрланган полиэфир толалари аралаш ипларда текширилди ва ўзгариш бир хил қонуниятда содир бўлиши аниқланди. Ипдаги мазкур ўзгаришлар синтетик толалар

структурасидаги кристалл ва аморф қисмлари таркиби махсус рентген асбобларида ўрганилди ва график натижалар олинди (5-расм).



5-расм. Такмиллашган усулда эмульсияланган ва эмульсияланмаган нитрон толасининг кристалланиш даражаси рентген дифрактометрияси

Эмульсия заррачалари тола сиртини тўла қоплаши билан қайта ишлаш жараёнида статик зарядланишини камайтирибгина қолмай структуравий ўзгаришларга олиб келиши мумкинлиги таҳлил қилинди. Шунини таъкидлаш керакки, қутбланган электр майдонидан ўтказганда нитрон толаси кристалл ва аморф зоналари нисбати ўзгариши рентген дифрактометри кўрсаткичларида аниқланди (5-расм). Толанинг бу зоналардаги структуравий ўзгаришлари эса ўз навбатида тола деформациясига таъсир этиши ўрганилди. Нитрон толасининг кристалл қисми 57,2 %, аморф қисми эса 42,8 % ни ташкил қилса, қутбланган майдондан ўтгандан кейин аморф қисми 8,6 % га ортганлиги аниқланди.

Қутбланган майдондан ўтказиб эмульсияланган маҳаллий полиэстер толаси рентген дифрактометри таҳлили шунини кўрсатадики, кучланиш кристалл зонасига кўпроқ таъсир қилиб, уни майда кристалларга ажратиб оширади. Бу эса ўз навбатида тола деформациясига таъсир кўрсатади. Кристалланиш даражаси қутбланган майдондан ўтказилмаганда маҳаллий полиэстер толаси кристалл қисми 54,1 % аморф қисми 45,9% ташкил қилса, қутбланган майдондан ўтгандан кейин аморф қисми 5,2 % га ортганлиги аниқланди.

Хитой полиэстер толасини шакллантириш жараёнида кимёвий антистатик яхши ишлов берилган бўлиб, қутбланган майдондан ўтганда толанинг кристалл ва аморф зонасига катта таъсир қилмаслиги рентген дифрактометри таҳлили

натижасида аниқланди. Кристалланиш даражаси қутбланган майдондан ўтказилмаган Хитой полиэстер толаси кристалл қисми 57,5 %, аморф қисми 42,5% ташкил қилса, қутбланган майдондан кейин аморф қисми 1,5 % га ортганлиги аниқланди.

Барча натижалардаги ўзгаришлар синтетик толанинг кристалл қисми камайиб, аморф қисми ошганлигини билдиради. Натижада синтетик тола ва ундан олинган аралаш ипнинг деформацияси ҳам ошиши кузатилади.

Диссертациянинг “Эмульсиялаш қурилмасининг ишчи параметрларини оптималлаш ва ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқоти” деб номланган тўртинчи бобда эмульсиялаш қурилмаси оптимал ишчи параметрларини аниқлаш мақсадида экспериментни математик режалаштиришнинг марказий нокомпозицион ротатабелли эксперимент матрицаси бўйича тажрибалар ўтказиш натижалари келтирилган. Юқорида таъкидланган таъсир этувчи омилларнинг сатҳлари ва ўзгариш интерваллари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Омиллар сатҳлари ва ўзгариш интерваллари

Омиллар		Ўлчов бирлиги	Ўзгариш сатҳлари			Ўзгариш интервали
Номи	Коди		-1	0	+1	
Кучланиш	x_1	волт	70	100	130	30
Электродлар орасидаги масофа	x_2	мм	70	90	110	20
Эмульсия фоизи	x_3	%	8	10	12	2

Қурилма ишини кўрсатувчи регрессия моделларини олиш учун мавжуд стандарт режалар солиштирилиб, Коно Ко₂ матрицаси танланди (5-жадвал). Тажрибалар рандомизацияланган тартибда ўтказилди.

Оптимизация параметрлари сифатида Y_{u1} - ипнинг солиштирма узиш кучи $R_{ип}$, $cN/teks$; Y_{u2} - ипнинг солиштирма узиш кучи бўйича нотекислиги ($CV\{R_{ип}\}$) % ва Y_{u3} - Uster бўйича ип нотекислиги $CV\{Uster\}$ танлаб олинди.

Тажрибалар Коно Ко₂- МНРЭ (Марказий нокомпозицион ротатабелли эксперимент) матрицаси бўйича ўтказилиб, натижалар 5-жадвалга жамланган.

5 жадвал

Тажрибанинг ишчи матричаси

Тажриба гартиб №№		Омиллар сатҳлари			R _{km} -узиш кучи		Ўртача Ŷ _u	s ² (y _u), дисперсия	CV(R _{km})		Ўртача Ŷ _u	s ² (y _u), дисперсия	CV-Uster		Ўртача Ŷ _u	s ² (y _u), дисперсия
		x ₁	x ₂	x ₃	Ŷ _{u1}	Ŷ _{u1}			Ŷ _{u1}	Ŷ _{u1}			Ŷ _{u1}	Ŷ _{u1}		
1	16	+	+	0	12,63	12,09	12,36	0,1458	8,16	8	8,08	0,013	20,4	19,7	20,05	0,2450
2	17	+	-	0	11,84	12,00	11,92	0,0128	9,16	8,41	8,79	0,281	19,8	19,2	19,5	0,1800
3	18	-	+	0	9,7	10,11	9,90	0,0841	6,69	7	6,85	0,048	22,91	21,9	22,405	0,5101
4	19	-	-	0	11,67	10,85	11,26	0,3362	5,82	5,73	5,78	0,004	20,47	19,47	19,97	0,5000
5	20	+	0	+	12,7	13,13	12,92	0,0920	8,59	8,22	8,41	0,068	19,27	19,85	19,56	0,1682
6	21	+	0	-	13,69	12,89	13,29	0,3200	8,91	8,7	8,81	0,022	20,7	20,15	20,425	0,1513
7	22	-	0	+	13,41	12,51	12,96	0,4050	8,11	7,62	7,87	0,120	20,2	20,74	20,47	0,1458
8	23	-	0	-	11,95	11,12	11,54	0,3445	8,05	7,62	7,84	0,092	21,65	20,95	21,3	0,2450
9	24	0	+	+	12,09	11,62	11,86	0,1100	8,24	6,91	7,58	0,884	21,88	20,5	21,19	0,9522
10	25	0	+	-	12,89	13,9	13,40	0,5101	8,16	8,34	8,25	0,016	19,96	20,2	20,08	0,0288
11	26	0	-	+	12,59	13,59	13,09	0,5000	7,61	7,84	7,73	0,026	19,7	20,31	20,005	0,1861
12	27	0	-	-	12,25	13,07	12,66	0,3362	7,86	7,58	7,72	0,039	20,85	21,3	21,075	0,1013
13	28	0	0	0	13,71	13,51	13,61	0,0200	8,73	7,87	8,30	0,370	18,1	19,04	18,57	0,4418
14	29	0	0	0	13,37	13,93	13,65	0,1570	7,26	8,35	7,81	0,594	19	19,57	19,285	0,1625
15	30	0	0	0	13,61	12,86	13,24	0,2813	7,48	7,21	7,35	0,036	18,8	18,2	18,5	0,1800
								Σ = 3,6560				Σ = 2,616				Σ = 4,1979

Тажрибалар дастлаб тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланиб, рандомизация қилинди ва улар бўйича икки такрорликда ўтказилди.

Тажриба натижаларини стандарт усулларда қайта ишлаб, чиқувчи параметрлар-тажриба аралаш ипнинг солиштирма узиш кучи, солиштирма узиш кучи бўйича нотекислиги ва Uster бўйича вариация коэффициентларининг регрессион тенгламалари олинди.

1) ипнинг солиштирма узиш кучи $R_{инн}$, $cN/teks$;

$$\hat{y} = 13,498 + 0,603x_1 - 1,106x_1^2 - 1,031x_2^2 + 0,449x_1x_2 - 0,450x_1x_3 - 0,493x_2x_3$$

2) ипнинг солиштирма узиш кучи бўйича нотекислиги ($CV\{R_{инн}\}$) %

$$\hat{y} = 7,817 + 0,719x_1 - 0,428x_2^2 + 0,429x_3^2 - 0,444x_1x_2$$

3) Uster бўйича ип нотекислиги $CV\{Uster\}$

$$\hat{y} = 18,785 - 0,576x_1 + 0,378x_2 + 0,774x_1^2 + 0,922x_2^2 + 0,880x_3^2 - 0,471x_1x_2 + 0,545x_2x_3$$

Тенгламаларнинг ечимлари компьютер дастурида аниқланди ва мақсад сиртлари таҳлил қилинди. Натижада синтетик толаларни зарядлаб эмульсиялаш қурилмаси ишчи параметрларига таъсир этувчи омилларнинг оптимал қийматлари - майдон кучланиши 100В, электродлар орасидаги масофа 100 мм ва эмульсия таркиби 10 % бўлганда аралаш ипнинг энг яхши хосса кўрсаткичларига эришиш мумкинлиги асосланди.

Эмульсиялаш қурилмасидан ўтказилган синтетик толалардан олинган аралаш ипнинг сифат кўрсаткичлари аниқланиб, иқтисодий самарадорлик ип сифатининг ошиши ҳисобига олинган.

Шундай қилиб, синтетик толаларни такомиллашган технологияда эмульсиялаб, аралаш ип ишлаб чиқаришда сифати яхшиланиши ҳисобига йилига 1000 т. қувватга эга йигириш корхонасида иқтисодий самарадорлик 501873,92 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

“Йигиришда синтетик толаларни эмульсиялаш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тўқимачилик саноати олдида турган аралаш ипли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифаси синтетик толалар, хусусан, синтетик толаларнинг статик зарядланишини бартараф этишга, янги антистатикларни яратишга боғлиқлиги илмий манбалар таҳлили асосида аниқланди.

2. Эмульсиялаш усул ва воситаларини ўрганиш асосида толани эмульсиялаш технологик жараённинг ўтимларида антистатик таъсирни сақлаб туриш қобилияти бўлиб, бундай ишлов бериш толаларга бир қатор бошқа

қимматли хоссаларни бериши, яъни ишқаланиш коэффициентлари пасайиши, намлик сўрилишининг ошиши ва юмшоқлиги ортиши аниқланди.

3. Синтетик толаларни қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган статик зарядларни камайтириш ва бартараф этиш мақсадида толани қутбланган майдондан ўтказиб, сиртини эмульсия билан тўла қоплаш назарий тадқиқ этилди ва эмульсия заррачаси билан тола сиртининг турли нуқталари орасидаги масофа зарядланган тола чеккаларидаги зарядлар орасидаги масофадан кичик бўлиш шarti аниқланди.

4. Синтетик толаларни қутбланган майдонда зарядлаб эмульсияловчи қурилманинг янги конструкцияси яратилиб, патент олинди ва унинг ёрдамида толалар статик электрланишининг олди олиниши мумкинлиги дастлабки синовларда исботланди.

5. Толаларни эмульсиялаш қурилмаси янги конструкциясининг қутбланган майдонида зарядланган заррачага таъсир қилувчи пондеромотор кучнинг унга таъсир этувчи омиллар – тола ҳажми, тола диаметри, майдон кучланганлиги, заррачанинг диэлектрик ўтказувчанлиги ва электродлар орасидаги масофага боғлиқлик қонуниятлари аниқланди.

6. Қутбланган майдонда зарядлаб эмульсияланган нитрон толасини, пахта толасига 80/20, 70/30, 60/40, 50/50 нисбатда аралаштириб, олинган ип намуналари хоссалари ўрганилди ва ип хосса кўрсаткичлари яхшилангани, яъни чизиқий зичлиги бўйича нотекислик кўрсаткичи 39% гача, узиш кучи бўйича нотекислик эса 70% гача пасайганлиги аниқланди.

7. Аралаш ипнинг хоссаларига тажрибавий эмульсиялаш қурилмасининг майдон кучланиши, электродлар орасидаги масофа ва эмульсия концентрати таъсир этиши тажрибалар асосида ўрганилиб, қурилманинг оптимал параметрлари майдон кучланиши 100в, электродлар орасидаги масофа 100 мм ва эмульсия таркиби 10 % ли аниқланди.

8. Аралаш ипнинг ярим циклик характеристикалари ўрганилиб, эмульсияланган тола аралаш ипнинг зўриққан-деформацияланган ҳолати компакт жойлашганлиги ип структурасининг равонлашиши бўлиб, ип деформацияси майдон кучланишига қараб ортиши эса синтетик тола структурасида кристалл ва аморф қисмлари нисбати ўзгариши билан изоҳланади.

9. Тадқиқот иши натижаларини корхонага тадбиқ этиб, олинган иқтисодий самарадорлик йилига 1000 тонна ип учун 501873,92 минг сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019. Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЁГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

АРАБОВ ЖАМОЛИДДИН САДРИДДИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЭМУЛЬСИРОВАНИЯ
СИНТЕТИЧЕСКИХ ВОЛОКОН В ПРЯДЕНИИ**

**05.06.02– Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/2399.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Гафуров Кабул

кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Набиева Ирода Абдусаматовна

доктор технических наук, профессор

Йўлдошев Жамшид Камбаралиевич

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится «23» ноября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, аудитория 222. тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail:titlp_info@edu.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №152). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «10» ноября 2022 года.
(реестр Протокола заседания №152 от «10» ноября 2022 года)



[Handwritten signature]

Х.Х.Камилова

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

А.З.Маматов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

Н.Р.Ханхаджаева

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

[Handwritten signature]

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Ассортимент продукции текстильной и лёгкой промышленности расширяется и занимает одно из лидирующих мест за счёт стремительного увеличения спроса на них. Высокий уровень конкуренции на мировом рынке смесовой пряжи с использованием синтетических волокон и изделий из них требует внедрения оборудования, позволяющего оперативно изменять качественные и количественные показатели изделий из смесовой пряжи с учётом современных усовершенствованных технологий. В развитых зарубежных странах, таких как США, Япония, Германия, Италия, Китай, достигнуты значительные успехи в производстве смесовой пряжи из синтетического волокна с высокими качественными и физико-механическими свойствами, в которых обеспечивается управление технологическими процессами текстильной промышленности с целью повышения эффективности производства и обеспечения конкурентоспособности продукции.

В мире ведутся научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы, направленные на достижение высокой эффективности производства смесовой пряжи из синтетических волокон, на разработку новых научно-технических решений современных усовершенствованных технологических машин. В этом направлении, приоритетными считаются исследования по совершенствованию технологии получения высококачественной пряжи, в том числе эмульсирования синтетического волокна в процессе прядения. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию новых методов, обеспечивающих высокую эффективность технологических процессах для устранения статического заряда синтетических волокон и получения высококачественной пряжи, путём эмульсирования синтетических волокон, созданию устройства и разработке его рабочих параметров для обеспечения технологической стабильности.

В Республике большое внимание уделяется внедрению современного, высокотехнологичного оборудования и технологии производства смесовой пряжи из синтетических волокон, необходимых для производства текстильных изделий. Принимаются масштабные меры по разработке высокоэффективных приёмов и технологий, повышающих эффективность технологических процессов в производстве смесовой пряжи и достигаются определённые результаты. В новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы намечены важные задачи, такие как «Увеличение объёма производства промышленной продукции в 1,4 раза путём продолжения промышленной политики, направленной на обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовой внутренней продукт...». При реализации поставленных задач, прежде всего важно повысить качество тканей, получаемых из смесовой пряжи, сократить обрывность при технологических процессах, разработать новые ассортименты с улучшенными качественными характеристиками.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2020 года № ПП-5989 «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности», от 16 сентября 2019 года «О мерах по содействию дальнейшему развитию легкой промышленности и производства готовой продукции» на №ПП-4453, от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильной и швейно-трикотажной промышленности и расширению ее экспортного потенциала» и другие нормативные акты, связанные с данной деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В отличие от традиционного метода эмульсирования, в данной диссертационной работе синтетические волокна заряжаются в поляризованном электрическом поле, а затем эмульсируются. Разработкой и исследованием технологического процесса обработки с использованием электрического поля в этом направлении за рубежом занимались такие учёные как С.А.Голайдо, Н.И.Зубарева, И.И.Галиуллина, В.В.Ченцов. В Узбекистане проводили научно-исследовательские работы в этом направлении д.т.н. М.Исмаилов, д.т.н. А.Юсубалиев, д.т.н. А.Мухаммадиев, к.т.н. А.Денмухаммедов и к.т.н. Т.Байзаков.

Известно, что П.Д.Балясов (Россия) первым предложил использовать электрическое поле для эмульсирования волокон. На основе этого предложения было создано новое устройство для зарядки синтетических волокон в поляризованном поле с последующим их эмульсированием. Изучение процесса эмульсирования синтетических волокон и получение смесовой пряжи путем применения данного устройства является одной из актуальных проблем современности, что и послужило основанием для выбора темы настоящей диссертации.

